

# Ўзбекистон Республикаси Президенти Эрон делегациясини қабул қилди



Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 9 март куни Эрон Ислом Республикаси Миллий хавфсизлик олий кенгаши котиби Али Шамхоний бошчилигидаги делегацияни қабул қилди.

Ўзбекистон-Эрон муносабатларини янада кенгайтириш масалалари ва минтақавий ҳамкорликнинг муҳим жиҳатлари кўриб чиқилди.

Учрашув аввалида Али Шамхоний давлатимиз раҳбарига Эрон Президенти Иброҳим Раисийнинг саломи ва энг эзгу тилакларини етказди.

Ўзбекистон етакчиси олий даражада эришилган келишувларга мувофиқ икки томонлама ҳамкорлик жадал ривожланиб бораётганини мамнуният билан қайд этди. Ўзаро савдо ҳажми ортмоқда, икки мамлакат етакчи корхоналари ва компанияларининг саноат кооперацияси кенгаймоқда. Ўтган ойда Техрон шаҳрида Ҳукуматлараро комиссиянинг навбатдаги йиғилиши ва бизнес форум муваффақиятли ўtkазилди. Яна бир қатор муҳим тадбирлар режалаштирилган.

Бугун Тошкент шаҳрида ўтган Хавфсизлик бўйича қўшма комиссия биринчи йиғилишининг амалий натижалари ижобий баҳоланди.

Суҳбат чоғида савдо-иктисодий ва транспорт-коммуникация соҳаларида шериклик лойиҳалари ва дастурларини илгари суриш, минтақавий хавфсизликни таъминлаш, шу жумладан хавфи ортиб бораётган терроризм, экстремизм, трансмиллий жиноятчилик ва наркотикларнинг ноконуний айланмаси таҳдидларига қарши курашиб масалаларида самарали ҳамкорликни давом эттиришга алоҳида эътибор қаратилди.

Афғонистонда юзага келаётган вазият ҳамда ушбу мамлакатдаги гуманитар инқизозни енгиб ўтишга зарур кўмак кўрсатиш чоралари юзасидан фикр алмашилди.



[Манба](#)